

ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ВА УНИНГ АТРОФИ СОҶА ГЕМАНГИОМАЛАРИ

М.А.Каримов¹

Р.Р.Садиков²

Х.Х.Нурматова³

Наманган давлат университети, тиббиёт кафедраси¹

Тошкент тиббиёт Академияси Хирургик касалликлар кафедраси²

Косонсой Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми³

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7949703>

Мавзунинг долзарблиги. Ушбу мақолада 2015, 2016, 2017 йилларда Республика ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят филиали (РИОваРИАТМ АФ) болалар онкология бўлимида 0 – 8 ёшгача оғиз бўшлиғи ва унинг атрофи соҳалари қон томир яхши сифатли ўсма касалликлари статистик таҳлил қилинган. Ушбу турдаги касаллик тенденцияси ўрганилган.

Қон томир хавфсиз ўсма касалликлари юз-жағ жарроҳлиги, стоматология ва болалар онкологиясининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Гемангиома қон томирдан ривожланувчи яхши сифатли ўсма касаллиги бўлиб, болаларда оғиз бўшлиғи, юз ва жағ соҳаларида кўп учрайди ҳамда қон кетиш, иккиламчи инфекцияланиш, косметик нуқсонлар каби қатор асоратлар билан намоён бўлади. Бундай ўсма организмнинг ўсиши билан биргаликда тез ўсади ва баъзан ўсишдан тўхтаб ҳам қолади (2 % ҳолларда).

Илмий иш мақсади. Республика ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят филиали (РИОваРИАТМ АФ) архив маълумотларидан фойдаланган ҳолда Андижон вилоятида 0-8 ёшгача бўлган қон томир яхши сифатли ўсма касаллиги – Гемангиома билан даволанган ҳолатларни учраш частотасини ўрганиш.

Материаллар ва услублар. Республика ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят филиалида (РИОваРИАТМ АФ) 2015-2018 йиллар давомида стационар даволанган 0-8 ёшгача, оғиз бўшлиғи атрофи соҳасида жойлашган гемангиома билан оғриган беморлар касаллик тарихини ретроспектив таҳлил қилинди.

Изланиш натижалари. Таҳлилий ўрганиш 24 нафар бемор касаллик тарихи ўрганилди. Улардан 14 нафари (58,3 %) ўғил бола, 10 нафари (41,7 %) қиз бола. Беморларнинг 13 нафари (54,1 %) Андижон, 9 нафари (37,5 %) Фарғона ва 2 нафари (8,4 %) Наманган вилоятларидан келиб даволанган. Ёш бўйича тақсимланиши 0 – 6 ойлик (n8, 33,3%), 6 ой – 1 ёш (n5, 20,8 %), 1 – 3 ёш (n7, 29,2 %) ва 3 – 8 ёш (n4, 16,7 %) га мос келади. Беморларнинг яқинлари қизилликка (n23, 95,8 %), ҳосиллага (n18, 75%), косметик нуқсонга (n8, 33,3%) ва қон кетишга (n1, 4,1%) шикоят қилиб мурожаат этган.

Барча беморлар стационар даволанишга муҳтож деб топилган ва стационар шароитда умумий оғриқсизлантириш остида жарроҳлик усулида даволанган. Баъзи беморлар жарроҳлик амалиётидан аввал склеротик даво (этил спирти билан) ва криодеструкция билан даволанган. Ноинвазив даво усуллари қўлланилмаган. Касаллик қайталангач қайта мурожаат этган беморлар ҳисобланишади. Ташрихдан кейин 3 нафар беморда

касаллик қайталанган ва 8 нафар беморларда ҳар хил даражадаги ташрихдан кейинги чандиқлар қолган.

Хулоса. Таҳлил натижаси шуни кўрсатадиги, касаллик қайталаниши ва асоратлар 2 ва ундан катта ёшли беморларда кузатилганлиги, касалликни эрта аниқлаш ва эрта даво муолажалари тўғри танлаш даво самарадорлигини ортиши ҳамда иқтисодий самарадорликка олиб келади.

References:

1. Каримов М.А., Мамарасулова Д.З., Садыков Р.Р., Нурматова Х.Х. New Approaches In The Diagnosis Of Oral Hemangiomas. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. August 20, 2020 | Pages: 50-57 Doi: <https://doi.org/10.37547/TAJMSPR/Volume02Issue08-07>
2. Каримов М.А., Садилов Р.Р., Махмудова Р.Ю., Якубов А.А., Тургунов З. и Рачимбердиева Г.А. (2023). Сравнительная эффективность лечения гемангиом полости рта ИК-лазерами. Евразийский научный вестник, 20, 5–11. Получено с <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/4091>.
3. Каримов, М., Мамарасулова, Д., Садилов, Р., & Нурматова, Х. (2022). Результаты лечения гемангиом ротовой полости. Журнал вестник врача, 1(4), 163–166. <https://doi.org/10.38095/2181-466X-2020974-162-165>